

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛМАРДОНОВ ОТАБЕК ҚУДРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХИТОЙ, КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ, ЯПОНИЯ,
ВЬЕТНАМ ВА МАЛАЙЗИЯ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК
АЛОҚАЛАРИДА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЎРНИ
(1991-2017йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской философии (PhD) диссертации
Contents of abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation

Алмардонов Отабек Қудратович

Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларида халқ дипломатиясининг ўрни (1991-2017 йй.).....3

Алмардонов Отабек Қудратович

Роль народной дипломатии в сотруднических связях Узбекистана с Китаем, Республикой Корея, Японией, Вьетнамом и Малайзией (1991-2017 гг.).....25

Almardonov Otabek Qudratovich

The role of public diplomacy in cooperation between Uzbekistan and China, the Republic of Korea, Japan, Vietnam and Malaysia (1991-2017).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛМАРДОНОВ ОТАБЕК ҚУДРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХИТОЙ, КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ, ЯПОНИЯ,
ВЬЕТНАМ ВА МАЛАЙЗИЯ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК
АЛОҚАЛАРИДА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЎРНИ
(1991-2017 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.3.PhD/Таг6 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-tarix.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муртазаева Раҳбархон Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий тақризчилар:

Маҳкамova Нодира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор

Сайфуллаев Дурбек Бахтиёрвич
тарих фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Тошкент давлат педагогика
университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория). Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кuni тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Х.Э.Юнусова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., т.ф.д., профессор

Б.Б.Хайназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.ф.д. (PhD), доцент

Н.У.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари шиддат билан кучайиб бораётган айни пайтда халқаро муносабатларда халқ дипломатиясининг таъсири яққол сезилмоқда. Бир томондан, интеграция таъсирида халқларнинг ўзаро яқинлашуви кузатилаётган бўлса, иккинчи томондан, ҳозирги даврда жаҳон жуғрофий харитасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши ва аҳоли сонининг шиддат билан ўсиб бориши, ўз навбатида, қатор ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни вужудга келтириб, этник зиддиятлар ва рангли инқилоблар ортишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолат мамлакатларнинг ташқи сиёсатида халқ дипломатиясига асосланган ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш, хавфсиз ва барқарор ривожланишга эришиш, миллий бирлик ҳамда анъаналарни сақлаб қолишни тақозо этмоқда.

Дунё миқёсида жаҳондаги сиёсий жараёнларда халқ дипломатиясининг ўрни, назарий концептуал-асослари, халқаро миқёсда расмий ва халқ дипломатиясининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда уларнинг ривожланиш тарихи масалаларига доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришда халқ дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиш, халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда миллатлараро, этноконфессиялараро ҳамда парадипломатия имкониятларидан янада самарали фойдаланишга қаратилган ишлар кўплаб амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда турли давлатлар, халқлар билан ўзаро ишонч ва яхши кўшничлик алоқаларини ривожлантириш, миллатлараро ва динлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқот, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, турли фуқаролик жамияти институтлари билан қулай ҳамкорлик муҳитини қарор топтиришга қаратилган ислохотлар олиб борилмоқда. “Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши кўшничликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир”¹. Айниқса, Ўзбекистоннинг Узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларида халқ дипломатиясининг ўрни муайян даражада мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва иқтисодий ривожланишида амалий аҳамият касб этиб, ушбу минтақаларда жойлашган Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия каби давлатлар билан амалга оширилаётган ижтимоий ва маданий соҳалардаги муносабатлар тизимини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь) // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.

Харакатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларида халқ дипломатиясининг ўрни мавзусига доир тадқиқотларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга халқ дипломатиясининг келиб чиқиши ва назарий-концептуал асослари ҳамда халқаро муносабатларнинг иштирокчисига айланиш жараёнидаги классик назарияларини ўз ичига олган илмий тадқиқотлар киради. Иккинчи гуруҳни Ўзбекистон халқ дипломатиясининг назарий ва амалий асослари тадқиқ этилган илмий асарлар қамраб олади. Учинчи гуруҳни хорижлик тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ташкил этади.

Халқ дипломатиясининг келиб чиқиши ва назарий-концептуал асослари Э.Гуллион, А.Хоффман, у халқаро муносабатларнинг тўлақонли иштирокчиси эканлиги ва анъанавий дипломатиядан фарқли жиҳатларига оид масалалар М.Маккеллан, М.Леонард, маданий алмашинувларнинг аҳамияти Скот-Смиф, Н.Цветкова, М.Лебедева²нинг тадқиқотларида баён этиб ўтилган.

Ўзбекистон учун халқ дипломатиясининг ўрганилиши масаласи янги соҳа бўлсада, у тарихан ташқи сиёсатнинг асосий элементларидан бири сифатида амалда фойдаланиб келинган. Муаммонинг объекти ва предметини ўрганишга ёндашувлар айрим ҳолларда ўхшаб кетиши инобатга олиниб, иккинчи гуруҳ тадқиқотлари, ўз навбатида, икки йўналишга ажратиш орқали таҳлил этилди.

² What is Public Diplomacy?: [Электронный ресурс] // United States Information Agency Alumni Association : [сайт]. Updated September 1, 2002. URL: <http://www.publicdiplomacy.org/1.html>.; Hoffman A.S. International Communication and the New Diplomacy / – Bloomington: Indiana University Press, 1968.; McClellan, M. (2004). Public Diplomacy in the Context of Traditional Diplomacy. Retrieved from <http://www.publicdiplomacy.org/45.htm> (Accessed on June 15, 2017).; Leonard, M., Stead, C., Smewing, C. (2002). Public Diplomacy. – London: The Foreign Policy Centre.; Scott-Smith, G. (2009). Exchange Programs and Public Diplomacy. In Snow, N. & Taylor, Phillip M., Routledge Handbook of Public Diplomacy (P. 50-56). New York, NY and London: Routledge.; Цветкова Н.А. Публичная дипломатия США: теории и концепции // – Тамбов: Грамота. – 2015. – № 4 (54): в 2-х ч. Ч. I. – С. 186-189.; Лебедева М.М. Публичная дипломатия: исчезновение или новые горизонты? // Публичная дипломатия: Теория и практика / под ред. Лебедевой М. М. – Москва, 2017. – С. 8.

Биринчи йўналишга тарихчи олимлар томонидан яратилган мавзуга оид диссертация ва нашрларни киритиш мумкин. Иккинчи йўналиш сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари томонидан тадқиқ қилинган диссертация ва чоп этилган илмий ишларни қамраб олади.

Ўзбекистоннинг Хитой, Жанубий Корея, Япония мамлакатлари билан мустақиллик йилларида ўрнатган алоқалари³ биринчи йўналиш доирасида тадқиқ этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари – Вьетнам ва Малайзия билан илмий-техникавий, маданий алоқалари⁴ ҳам ўрганилиб, асосли илмий тақлифлар билан бойитилган ҳамда “Ўзбекистон-Вьетнам”, “Вьетнам-Ўзбекистон”, “Ўзбекистон-Малайзия”, “Малайзия-Ўзбекистон” дўстлик жамиятлари каби халқ дипломатиясининг иштирокчилари фаолияти очиб берилган.

Иккинчи йўналишга тааллуқли диссертацион тадқиқотларда халқаро алоқалар, уларнинг сиёсий аҳамияти, иқтисодий ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари, маданий ҳамкорликнинг халқаро муносабатлардаги ўрни таҳлил қилинган⁵.

³ Гофуров Н.О. Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси билан иқтисодий, илмий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги (1991-2001 йиллар). Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2011; Ташматова К. Экономическое и культурное сотрудничество Узбекистана и других государств Центральной Азии с Китайской Народной Республикой (1991–2011 гг.). Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Тошкент, 2012; Курбанов Д.Д. Привлечение прямых иностранных инвестиций в Китайскую Народную Республику: опыт и возможности расширения узбекско-китайского сотрудничества: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т., 2002; Сун Дон Ги. Становление и перспективы экономических, культурных связей Республики Узбекистан и Южной Кореи: Автореф. дисс...канд.ист.наук. – Ташкент, 2000; Азизов С.Ш. Ўзбекистоннинг Япония билан илмий-маданий ва иқтисодий алоқалари тарихидан (1920 йиллар охири-1990 йиллар боши) Т.ф.н.илмий даражасини олиш учун дисс... – Тошкент, 1994.

⁴ Рустамов У.А. Советский Узбекистан на международной арене. – Ташкент: Узбекистан, 1979; Усаров Ф.У. Ўзбекистон Республикаси ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик (Малайзия давлати мисолида:1991-2005 йиллар). Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2010; Усаров С.Р. Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан спорт соҳасидаги ҳамкорлиги // “Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш жараёнлари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: 2019. 9 ноябрь. – Б. 70; Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Малайзия давлати маданий алоқалари // Бухоро давлат университети Илмий ахбороти (илмий журнал). – Бухоро, 2016. 1-сон. – Б. 120-124.

⁵ Хакимов Р. Узбекистан и организация Объединенных Наций. – Ташкент: “Ўзбекистон”, 1995. – 119 с.; Саидагзамова Г.С. Интеграция как глобальный процесс и её значение для государств Центральной Азии (на примере Юго-Восточной Азии) Дисс. ... канд. полит. наук. – Ташкент, 2001. – 189 с.; Бабахаджаев М. Суверенный Узбекистан. Вопросы внутренней и внешнеэкономической политики. – Ташкент: ТГИВ, 2004. – 336 с.; Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Ташкент: «Фан», 2004. – 172 с.; Саидов А.Х. Межпарламентские организации мира. – Москва: “Международные отношения”, 2004. – 351 с.; Сафаев С. Марказий Осиё геополитикаси. – Тошкент, 2005; Шаропова С.Ш. Многосторонняя дипломатия Узбекистана: участие в универсальных, региональных и субрегиональных организациях, межгосударственных объединениях: Автореф. дисс.... канд. полит. наук. – Ташкент, 2006; Бекмуродов И.Н. ШХТнинг фаолияти ва институциялашиш жараёни. Дисс.... сиёс. фан. номз. – Тошкент, 2006; Касимов Н., Жураев С. Проблемы современных международных отношений. – Ташкент: «Академия», 2008; Абдуазимов М. Гастродипломатия: мировой опыт и потенциал Республики Узбекистан. Международные отношения: политика, экономика, право. 2017. – № 2. – С. 5-21; Абдуллаев М. Узбекистан в ШОС: время народной дипломатии / Международные отношения: политика, экономика, право. – 2018. – № 2. – С. 16-31; Таджиев Ш. Публичная дипломатия как важная составная часть «мягкой силы» // Международные отношения: политика, экономика, право. – 2018. – № 1. – С. 74-87; Омонов М.С. Публичная дипломатия в современном мире. Вестник РУДН. 2019. Том 6. – № 4. – С. 346-355.

Хорижда яратилган адабиётлар учинчи гуруҳни ташкил этади⁶. Хусусан, Э.Варпаховскис Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқ дипломатияси алоқаларида таълим алмашинувлари, “КОІСА” грант дастурларининг Ўзбекистон олий таълим тизимидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтган. Б.Бахриев халқ дипломатиясини Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорлик ҳамда турли этник муаммоларни олдини олишдаги ўрнига аҳамият қаратган. Бироқ унинг изланишларида Ўзбекистон халқ дипломатиясига бир томонлама баҳо берилиб, масалага чуқур ёндашилмаган. У.Томоҳико ва Ҳ.Тецуя Япониянинг Марказий Осиёдаги халқ дипломатияси сиёсати, унинг минтақа давлатларига таъсирини таҳлил қилган. Э.Гончарова Япония Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини ривожлантириш бўйича расмий дастурларни мунтазам равишда амалга ошириб келаётганлигини таъкидлайди.

Мавзуга оид умумий ва махсус адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларида халқ дипломатиясининг ўрни мавзуси алоҳида илмий тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-88 “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётида толерантлик тамойилининг тутган ўрни (қадимги даврдан то ҳозирги вақтга қадар)” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади 1991-2017 йилларда Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан халқ дипломатияси алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш йўналишларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда халқ дипломатиясининг феномени масаласи, унинг генезиси, эволюцияси ҳамда назарий-концептуал асосларини очиб бериш;

дунёдаги айрим ривожланган мамлакатларнинг халқ дипломатияси соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ва унинг Ўзбекистонда қўлланилиш жараёнларини кўриб чиқиш;

1991-2017 йилларда мамлакатимиз халқ дипломатиясининг одимлари ва муаммоларини очиб бериш;

мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқ дипломатияси ривожланишининг аҳамиятини ёритиб бериш;

⁶ Varpahovskis E. Education as a Soft Power Tool: Korea's Approach toward Uzbekistan // Korea's Soft Power and Public Diplomacy Edited by Kadir Ayhan Published by Hangang Network Printed by Seoul National University Press Seoul. – Korea First Printing, December 13, 2017. – P. 101; Бахриев Б.Х. Роль механизмов публичной дипломатии в развитии международного сотрудничества государств Центральной Азии. Диссертация на соискание ученой степени кандидата политических наук. – Москва, 2019. – С. 31; Tetsuya H. Japan's Diplomacy in Central Asia: The Perspective of a Working-Level Policy Maker Japan's Silk Road Diplomacy Paving the Road Ahead. Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program, 2008; Goncharova E. Cultural diplomacy of Japan. Bachelor's thesis in international relations, Tallin university of technology, school of Business and Governance, Department of Law. – Tallin, 2018. – P. 39.

мамлакатлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришда халқ дипломатиясининг ролини кўрсатиш;

Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан халқ дипломатиясининг турли тармоқлари ҳамда соҳаларидаги ҳамкорлигини илмий нуқтаи назардан қиёсий ўрганиш;

биродарлашган шаҳарларнинг Ўзбекистон халқ дипломатиясининг асосий иштирокчилари сифатидаги ўрнини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан халқ дипломатияси алоқаларининг шаклланиши ва ривожланиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда халқ дипломатиясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, мамлакатнинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан халқ дипломатиясининг йўналишлари ва ривожланиш босқичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий ва қиёсий таҳлил, муаммовий-хронологик, объективлик, тизимлаштириш ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқ дипломатиясининг тарихи Бронза давридан 1991 йилга қадар тарихий ва ижтимоий-маданий асосларда шаклланиши ҳамда 1991 йилдан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва замонавий тамойиллар асосида ривожланган икки даврда рўй бериб, соҳанинг ривожланиш динамикаси маданият ва санъат, илм-фан, таълим, туризм, спорт каби йўналишларда акс этганлиги далилланган;

Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан иқтисодий ва маданий алоқаларининг мустаҳкамланишида ушбу давлатлардаги фуқаролик жамияти институтлари (дўстлик жамиятлари, ассоциациялар ва бошқа ННТ) воситасида маданий, илмий, соғлиқни сақлаш, гуманитар ҳамкорлик кўринишларидаги халқ дипломатияси фаол амалга оширилаётганлиги очиб берилган;

мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг Вьетнам ва Малайзия билан алоқаларида аксар ҳолларда давлат органлари иштирокидаги олий даражадаги ҳукумат вакилларининг расмий алоқалари боис халқ дипломатияси алоқалари мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш даражасига етиб бормаганлиги асосланган;

хорижда республиканинг ижобий имижини ошириш, Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили ва маданиятини кенг тарғиб қилишда хориждаги ватандошлар фаолиятига умуминсоний, плюрализм, прагматик каби демократик принциплар асосида ёндашув халқ дипломатиясининг ривожланишига самарали ҳисса қўшиш баробарида биродарлашган шаҳарларнинг кўпайишига имкон яратганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг Узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан халқ дипломатияси ҳамкорлигининг ривожланиши ва уни мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини

қўллаб-қувватлашга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятида миллий маданий марказлар ва халқ дипломатияси субъектлари билан халқ дипломатиясига доир муносабатларни ривожлантириш жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган назарий-услубий жиҳатлар аниқланган;

халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихига доир архив ҳужжатлари, расмий ҳисоботлар ва даврий матбуот материаллари асосида Ўзбекистонда халқ дипломатияси тарихининг кам ўрганилган жиҳатлари тадқиқ этилиб, янги маълумотлар илк марта илмий муомалага киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳозирги Ўзбекистон тарихи фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, тарихий манбалар, адабиётлар ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар тадқиқотларидан фойдаланилганлиги, ташқи сиёсий фаолиятга оид янги принципиал қоидалар ва норматив ҳужжатлар ҳамда жорий архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланилганлиги, тегишли ташкилотлар томонидан амалий аҳамиятга эга бўлган хулоса ва таклиф-тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан халқ дипломатияси соҳасида ҳамкорлик кўлами ва сифатини ошириш, истиқболда муносабатларни янада фаоллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакат ташқи сиёсати муаммоларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларни янада такомиллаштиришга, маълумотлар ва илмий хулосалар билан бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ташқи ишлар вазирлиги, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ва дўстлик жамиятлари фаолиятида Ўзбекистоннинг Узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлигига оид таҳлилий маълумотларни тайёрлаш, шунингдек, олий таълим муассасаларида дарслик, ўқув қўлланма ва монографияларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларида халқ дипломатиясининг ўрнига оид илмий хулоса ва таклифлардан:

Ўзбекистон халқ дипломатиясининг тарихи Бронза давридан 1991 йилга қадар қадим тарихий ва ижтимоий-маданий асосларда шаклланиши ҳамда 1991 йилдан меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ва замонавий тамойиллар асосида ривожланган икки даврда рўй бериб, соҳанинг ривожланиш

динамикаси маданият ва санъат, илм-фан, таълим, туризм, спорт каби йўналишларда акс этганлигига оид натижалардан Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг фаолиятида тахлилий маълумотлар тайёрлашда, ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2020 йил 3 декабрдаги 01-05-1493-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши Кўмита фаолиятида маданий тадбирлар ўтказилишида, хорижий мамлакатлар билан алоқаларда дўстлик жамиятларининг ролини янада ошириш ва аҳоли ҳаётидаги иштирокини кучайтиришга хизмат қилган;

Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан иқтисодий ва маданий алоқаларининг мустаҳкамланишида ушбу давлатлардаги фуқаролик жамияти институтлари (дўстлик жамиятлари, ассоциациялар ва бошқа ННТ) воситасида маданий, илмий, соғлиқни сақлаш, гуманитар ҳамкорлик кўринишлардаги халқ дипломатияси фаол амалга оширилаётганлигига оид натижалардан Ўзбекистондаги ШХТнинг Халқ дипломатияси марказининг истиқболли “йўл харитаси”ни шакллантиришда ва ўтказилган тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистондаги ШХТнинг Халқ дипломатияси марказининг 2020 йил 10 декабрдаги 257/20-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикасининг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан алоқалари хусусида янгича қарашларни шакллантиришга имкон яратган;

хорижда республиканинг ижобий имижини ошириш, Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили ва маданиятини кенг тарғиб қилишда хориждаги ватандошлар фаолиятига умуминсоний, плюрализм, прагматик каби демократик принциплар асосида ёндашув халқ дипломатиясининг ривожланишига самарали ҳисса қўшиш баробарида биродарлашган шаҳарларнинг кўпайишига имкон яратганлиги бўйича олинган хулосадан “O‘zbekiston tarixi” телеканалида эфирга узатилган “Taqqdimot” кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 13 февралдаги 02-40/359-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши телетомошабинлардаги Ўзбекистоннинг Узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан халқ дипломатияси алоқалари тарихига доир билимларини янада оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (улардан 5 таси республика ва 2 таси хориж журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Халқ дипломатиясини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари ва йўналишлари”** деб номланган биринчи бобининг *“Халқ дипломатияси тушунчаси, генезиси ва эволюцияси”* номли биринчи параграфида халқ дипломатияси тушунчаси, генезиси ва эволюциясига оид назарий ва концептуал асослар, жаҳонда мавзуга оид яратилган илмий манбалар қиёсий таҳлил асосида ўрганилиб, халқ дипломатиясининг дефиницияси билан боғлиқ қарашлар, унинг босиб ўтган йўллари, даврлаштириш масаласи, ҳар бир даврдаги мақсад-вазифалари очиб берилган. Халқаро муносабатлар тизимида халқ дипломатияси феноменининг назарий-концептуал асослари жаҳонда яратилган адабиётлар асосида атрофлича ёритилган. Ҳозирги замонда дунёда мавжуд халқ дипломатияси тўғрисидаги назариялар чуқур таҳлил этилган.

Тадқиқотда халқ дипломатиясининг бошқа дипломатия соҳаларидан фарқли жиҳатлари, ушбу дефиниция атрофидаги фикрлар, бу тушунчаларнинг келиб чиқиши ва замонавий маъноси қиёсий ёндашув асосида таҳлил этилган. Хусусан, халқ дипломатияси ўзининг кўп қирралиги, фаолият йўналишларининг турли-туманлиги, мақсад ва вазифаларининг таснифланишига кўра халқаро муносабатларнинг турли ракурсларида намоён бўлиши аниқланган. Шунингдек, бугунги кунда “халқ дипломатияси”ни ўрганиш учун дунё олимлари, экспертлари ва халқ дипломатияси амалиётчилари орасида тан олинган таърифларга эътибор қаратилган.

Диссертацияда халқ дипломатияси давлатнинг расмий дипломатиясидан фарқли ўлароқ, кўплаб ижобий ва таъсирчан хусусиятларга эгалиги, у “юракдан юракка интилувчи дипломатия”⁷, халқларнинг ва жамоатчиликнинг яқинлашишига ёрдам бериши кенг ёритилиб ўтилган⁸.

“Халқ дипломатияси” атамаси биринчи бор илм-фанга 1965 йили Тафтс университетининг ҳуқуқшунослик ва дипломатия йўналишлари бўйича Флетчер мактабининг декани, собиқ дипломат Эдмунд Галлион томонидан киритилган бўлиб, ўша даврдан бошлаб олимлар ва амалиётчилар томонидан

⁷Сафоев С. Халқ дипломатияси барча соҳаларда муваффақият қозонишга ёрдам беради. <https://sputniknews>

⁸Nye, Joseph Jr. (2011). *The Future of Power*. – New York: PublicAffairs. – P. 101-102.

кенг қўлланиб келинади⁹.

Диссертацияда халқ дипломатияси тушунчасининг вужудга келиши ва халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъектига айланиш жараёни жаҳонда юз берган тарихий ўзгаришлардан келиб чиқиб, 5 та даврга бўлиб ўрганилган.

Халқ дипломатиясининг биринчи даври қадимги даврдан 1856 йилгача бўлган вақтни (1856 йил Лондонда “Times” газетасида илк бор халқ дипломатияси ҳақида ёзиб чиқилган), иккинчи даври 1856-1918 йилларни¹⁰, учинчи даври 1918-1945 йилларни, тўртинчи даври 1946-1991 йилларни¹¹, бешинчи даври 1991-йилдан ҳозирги кунгача бўлган вақтни ўз ичига қамраб олиши батафсил ёритиб берилган.

2000-йиллар бошланиши билан тегишли адабиётларда пайдо бўлган “янги халқ дипломатияси” тушунчасини ахборот жамияти глобаллашувининг натижаси эканлиги ҳам очиқ берилган ва асосланган¹².

Ушбу тадқиқотда замонавий халқ дипломатияси маданий дипломатия (*cultural diplomacy*), алмашинув (*exchange diplomacy*), қисқа муддатли ахборот компаниялари (*advocacy*), халқаро эшиттиришлар (*international broadcasting*) ҳамда хорижий жамоатчилик фикрини кузатиш (*listening*) каби 5 та элементдан иборат эканлиги батафсил таҳлил этилган¹³.

Биринчи бобнинг “*Жаҳон сиёсий майдонида халқ дипломатияси феноменининг назарий-концептуал асослари*” деб номланган иккинчи параграфидан мавзунинг назарий асослари очиқ берилган.

Диссертацияда халқ дипломатияси назарияси халқаро амалиётда ХХ асрнинг ўрталарида кенг қўлланила бошланганлиги, ундан кўзланган асосий мақсад мамлакат ижобий имижини шакллантиришдан иборат бўлганлиги, илмий адабиётларда АҚШ ҳукуматининг ушбу соҳадаги ҳаракатлари тўғрисида баъзи бир эмпирик материаллар тўпланган пайтдан бошланганлиги қайд этиб ўтилган¹⁴. Шунингдек, диссертациянинг ўрганиш объекти бўлган бир қатор Осиё давлатлари, хусусан, Хитой, Жанубий Корея¹⁵, Япония¹⁶, Вьетнам ва Малайзия давлатларида¹⁷ ҳам шу даврда халқ

⁹ Edmond Gullion: Murrow Center Institutional Brochure, Fletcher School of Law and Diplomacy. In: USIA Alumni Association: What is Public Diplomacy? – Tufts University, 1965 // <http://www.publicdiplomacy.org/1.htm#defined>, download: 2.10.2007.

¹⁰ Казбекова Д.С. Публичная дипломатия во внешней политике Федеративной Республики Германия и Республики Казахстан: Дисс. ... д-ра полит. наук. – Астана, 2014. – С. 17.

¹¹ Edmond Gullion: Murrow Center Institutional Brochure, Fletcher School of Law and Diplomacy. In: USIA Alumni Association: What is Public Diplomacy? – Tufts University, 1965 // <http://www.publicdiplomacy.org/1.htm#defined>, download: 2.10.2007.

¹² Vickers R. The new public diplomacy: Britain and Canada compared // The British Journal of Politics and International Relations. 2004. Vol. 6. No 2. – P. 182-194. URL: <https://doi.org/10.1111/j.1467-856X.2004.00133.x>.

¹³ Cull N. Public Diplomacy: Taxonomies and Histories // The Annals of the American Academy of Political and Social Science. Vol. 616. 2008. – P. 31-32.

¹⁴ Цветкова Н. Публичная дипломатия как инструмент идеологической и политической экспансии США в мире, 1914-2014 гг.: дисс. на соискание ученой степени доктора исторических наук. Специальность 07.00.15 – история международных отношений и внешней политики. – Санкт-Петербург, 2015. – С. 27.

¹⁵ Jeffrey O. Koreas Public Diplomacy Balancing National Interest and National Pride: Korea’s Dokdo-Related Public Diplomacy, 2008-2015 • edited by Kadir Ayhan. Seoul National University Press Seoul. – Korea: First Printing, 2016. December 31. – P. 25.

дипломатиясига кенг мувожаат қилиш бошланганлиги таъкидланган.

Диссертацияда халқ дипломатияси феноменини тушунишда фуқаролик, маданий дипломатия концепциялари ҳақидаги мунозаралар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Фуқаролик дипломатияси (“*Citizen diplomacy*”) концепциясининг ишлатиш сабаби сифатида СССР ва АҚШда 1950 йилларда пайдо бўлган “халқлардан халқларга дипломатияси” (“*people to people diplomacy*”) дастурининг мавжудлиги ҳақидаги тарихий далилни келтириб ўтиш мумкин¹⁸. “Фуқаролик дипломатияси” атамаси академик, ахборот ва маданий алмашинув дастурларини ўз ичига олади ва мамлакат ташқи сиёсатининг муҳим воситаларидан бири сифатида тавсифланади. Шунга асосланиб, ушбу концепция ва “халқ дипломатияси” ўртасида жиддий фарқ мавжуд эмас.

Маданият “юмшоқ куч”нинг асосий манбаларидан биридир¹⁹. У ташқи сиёсатнинг таркибий қисми сифатида, тарихдан мамлакатлар томонидан ўз тили ва маданиятини оммалаштириш мақсадида фойдаланиб келинди, бугун уни халқ дипломатиясига тенглаштиришади²⁰. Бошқача айтганда, маданий дипломатия “халқ дипломатиясининг асосидир, чунки маданият орқали миллат ўзлигини дунёга намойиш этади, ўз кадриятлари ва ғояларини тарғиб қилади²¹”.

Япониялик олим Огоуранинг ишларида халқ дипломатияси ҳар доим аниқ белгиланган сиёсий мақсад билан чамбарчас боғлиқлиги ва муайян олдиндан белгиланган мақсадларга йўналтирилганлиги, маданий дипломатия эса маълум бир сиёсий мақсад билан боғлиқ бўлиши шарт эмаслиги каби фарқли жиҳатлар ёритилган²².

Тадқиқотда маданий алоқалар давлатнинг халқ дипломатияси учун самарали восита бўлиб, мамлакат имижини шакллантиришга ҳисса қўшиши ва ушбу мақсадларга эришиш учун ўзаро таъсирнинг турли шакллари қўлланилиши, уларни таништириш (*монолог*), хизмат кўрсатиш (*диалог*) ва халқаро маданий ҳамкорликни ривожлантириш орқали кўриб чиқиш мумкинлиги аниқ далиллар асосида очиқ берилди.

¹⁶ Ogoura K. (2009). Japan’s Cultural Diplomacy, Past and Present. Retrieved from http://www.jripec.aoyama.ac.jp/english/publication/pdf/japans_cultural_diplomacy.pdf (Accessed on November 19, 2017). – P. 45.

¹⁷ Duong Thi Thu Japan’s Public Diplomacy as an Effective Tool in Enhancing its Soft Power in Vietnam – A Case-study of the Ship for Southeast Asian Youth Exchange Program. A Thesis Submitted to the Victoria University of Wellington in Partial Fulfilment of the Requirements for the Degree of Master of International Relations (MIR) School of History, Philosophy, Political Science and International Relations. – Victoria University of Wellington, 2013

¹⁸ U.S. Foreign Policy After Cold War. Ed. by B. Roberts Cambridge (Mass.). – L.: MIT Press, 1992; Blackburn P. P. The Post-Cold War Public Diplomacy of the USA // US Foreign Policy After Cold War. Ed. by B. Roberts. Cambridge (Mass.). – L.: MIT Press, 1992. – P. 293-307.

¹⁹ Nye J. Public Diplomacy and Soft Power. *Annals of the American Academy of Political and Social Science*. 2008. Vol. 616. – P. 94-109.

²⁰ Долинский А.В. Современные механизмы сотрудничества в рамках публичной дипломатии. Диссертация на соискание ученой степени канд. полит. н. – М.: МГИМО (У), 2011. – С. 210.

²¹ Василенко Е.В. Культурная дипломатия как инструмент «мягкой силы» государства // Перспективы. Электронный журнал. – 2016. – № 1 (5). – С. 68-80.

²² Ogoura, K. (2009). Japan’s Cultural Diplomacy, Past and Present. Retrieved from http://www.jripec.aoyama.ac.jp/english/publication/pdf/japans_cultural_diplomacy.pdf (Accessed on November 19, 2017). – P. 45.

Биринчи бобнинг “Ўзбекистонда халқ дипломатиясининг тарихий илдизлари ва замонавий талқини” деб номланган учинчи параграфиди Ўзбекистон халқ дипломатиясининг тарихи ва замонавий талқини, уларнинг илмий-амалий аҳамияти кўриб чиқилган. Халқ дипломатияси тарихига қисқача экскурс қилиниб, унинг янги ҳаракат эмаслиги ва чуқур тарихга эғалиги исботланган. Ўзбекистон халқ дипломатиясининг вужудга келиши ва ривожланиши 2 та тарихий даврга бўлиб таҳлил этилган.

Биринчи даврда (Бронза давридан 1991 йилга қадар) Ўзбекистон халқ дипломатияси чуқур тарихий ва ижтимоий-маданий асосларга эғалиги кўрсатиб берилган. Миллатлараро, маданиятлараро, конфессиялараро ва тиллараро бағрикенглик ўзбек этносига хос фазилатлардан ҳисобланади. Ўзбек халқи тарихан Буюк Ипак йўли чорраҳасида турли маданият, тил ва диний қарашларга эга халқлар билан ўзаро цивилизацион алоқада шаклланган. Халқ дипломатияси тарихнинг барча даврларида тўхтовсиз ривож топиб борган ва бу факт унинг ижтимоий тараққиёт ва жаҳон сиёсатидаги аҳамиятини янада ортишини англатади.

Иккинчи давр 1991 йилдан ҳозирги кунга қадар даврни ўз ичига олиб, учта босқичга бўлинади. Ушбу даврнинг 1991-1997 йилларни ўз ичига олган биринчи босқичи Ўзбекистон халқ дипломатияси учун янги даврни бошлаб берганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг халқ дипломатияси масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш бошланди. Узоқ-яқиндаги мамлакатлар билан алоқаларда кенг жамоатчилик ва халқ вакилларининг иштироки катта бўлди. Тадқиқотда бундай вазиятда интеграциялашувнинг 5 муҳим йўли босиб ўтилганлиги кўрсатиб берилган. Биринчи йўл постсовет давлатлари билан алоқаларни янги иттифоқ кўринишида давом эттириш²³, иккинчи йўл мутлақо янги иттифоқчилар билан алоқа ўрнатиш, учинчи йўл тил, дин, миллий урф-одат ва анъаналарнинг яқинлигидан келиб чиқиб ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, тўртинчи йўл ички минтақавий интеграцияни кучайтириш, бешинчи йўл Осиё-Тинч океани минтақасидаги давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган.

Иккинчи босқич 1997-2016 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда халқ дипломатиясини фаоллаштириш мақсадида 1997 йил 15 майда “Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши” таъсис этилиши²⁴ Ўзбекистон халқ дипломатиясининг янги даврини бошлаб берди. Бу даврда Ўзбекистон халқ дипломатияси бой тажриба ва амалиёт тўплади. Халқ дипломатиясининг миллий ўзига хос институтлари шаклланди ҳамда турли минтақавий ва халқаро алоқалар кенгайди. Ўзбек мусиқа санъати, маданият ва спорти, таълим соҳасидаги

²³ Муртазаева Р.Х. - Толерантность как главный фактор в укреплении народной дипломатии между государствами //“Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг тутган ўрни ва роли” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманини материаллари – Тошкент.: “ЎЗМУ”, 2017. – Б. 6.

²⁴ Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по поддержке Совета обществ дружбы и культурно-просветительских связей Узбекистана с зарубежными странами» г. Ташкент, 26 мая 1997 г., № УП-1785.
URL: <http://www.lex.uz/acts/216094>

хамкорлик алоқалари ривожланди. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни ва нуфузини мустаҳкамлади. Бироқ бу давр таҳлика ва зиддиятларга ҳам бой давр бўлди. Турли этник ва миллий низолар, терроризм ҳамда экстремизм хавфи ортиб борди. Қўшни мамлакатлар билан муносабатларда чегара ва чегара олди, ер-сув муаммоси Ўзбекистон халқ дипломатияси олдида кўплаб муаммолар мавжудлигини кўрсатган.

Учинчи босқич 2017 йилдан ҳозирги кунгача. Бу даврни ўзбек халқ дипломатиясининг янги даври деб аташ мумкин. Бугунги кунда халқ дипломатиясининг жамиятимиз ва маданиятимизга хос бир қанча янги жиҳатлари намоён бўлмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг мустақил йўналиши сифатида мамлакатда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашни назарда тутса, иккинчидан, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатлар вакиллари ўз миллий-маданий марказларига эга бўлиб, бу уларга маданий меросларидан фойдаланиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш имконини беришини, учинчидан, ўзбек этносининг тарихий шаклланиши асосида ётувчи бағрикенглик тамойили Ўзбекистоннинг халқаро имижини кўтаришда асосий ғоя бўлиши мумкинлигини, тўртинчидан, ўзбек халқ дипломатиясининг жуғрофияси кенгайиб, янги номларнинг пайдо бўлишини кўриш мумкин²⁵.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ўзбекистоннинг Узоқ Шарқ мамлакатлари билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларида халқ дипломатиясининг аҳамияти”** деб номланган. Унинг *“Ўзбекистон ва Хитой ўртасида халқ дипломатиясининг айрим жиҳатлари”* деб номланган биринчи параграфида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги халқ дипломатияси алоқаларининг тарихий ривожланиш динамикаси даврларга бўлинган ҳолда таҳлил қилинган.

Диссертацияда Хитой томонидан илгари сурилаётган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси икки давлатнинг иқтисодий тараққиёти, турли цивилизациялар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, тинчлик ва дўстликни ривожланишига кўмаклашишни кўзда тутишига ҳам тўхталиб ўтилиб, ташаббуснинг бешта устувор йўналишлари таҳлил қилинган²⁶.

Тадқиқотда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида мустақиллик йилларида шаклланган ҳамкорликнинг янги тизими, ташкил этилган структураларнинг мақсад-вазифалари кўрсатилган. Иқтисодиёт, таълим, технология, илм-фан, туризм, маданий-маърифий ва бошқа соҳаларда халқ дипломатия алоқалари ривожланганлиги акс этувчи далиллар, янги фактлар илк бор илмий муомалага киритилган.

Мамлакатлар ўртасида таълим соҳасида халқ дипломатияси ҳамкорлигини ривожлантириш муҳимлиги, айнан шу йўналиш стратегик шериклик хусусиятига эга дўстона ўзбек-хитой муносабатларига замин

²⁵ “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнали № 1/2019 // ШХТ халқ дипломатияси маркази Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади. – Б.95.

²⁶ Umirdinov A. Xitoy nimani istayapti? “Bir makon, bir yo‘l” loyihasidan umidlar va xavotirlar. <https://kun.uz>.

яратиши ишончли далиллар билан очиб берилган²⁷.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ўзаро уйғун халқ дипломатияси қиёфасини шакллантиришда 2005 йилда Тошкентда, 2014 йилда Самарқандда ташкил этилган Конфуций институтлари – маданий ва маърифий марказлар тармоғи муҳим рол ўйнайди²⁸. Ўзбекистоннинг ХХР билан дўстона ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш натижасида хитойшуносларга бўлган талаб янада ошганлиги, 2011 йилдан ХХРнинг “HANBAN” таълим ташкилоти билан икки томонлама ҳамкорлик алоқалари олиб борилаётганлиги баён этилган²⁹.

Диссертацияда икки мамлакат ўртасидаги халқ дипломатияси алоқаларида туризмнинг ўрнига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, 2017 йилда Хитойда нашр этиладиган “Diplomat Magazine” журнали³⁰, “Psearcher” ноширлик компаниясининг веб-саҳифаси³¹ ҳамда “Travel and Leisure” журналида Ўзбекистон – саёҳат учун энг яхши жой этиб топилганлиги хитойликларнинг юртимизга ташриф буюришларига катта қизиқиш уйғотганлиги³² масалалари баён этилган.

Тадқиқотда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида халқ дипломатияси алоқалари нодавлат жамоат ташкилотлари даражасида ҳам мустаҳкамланиб бораётганлиги кўрсатилган. Ўзбекистон-Хитой маданий ҳамкорлигини ривожлантиришда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши (2017 йилгача фаолият олиб борган) ва “Ўзбекистон-Хитой” дўстлик жамияти алоҳида ўрин тутиши очиб берилган.

Сўнгги йилларда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда дўстона алоқалар катта аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон жамоатчилиги Хитойдаги 20 дан ортиқ халқ дипломатияси ташкилотлари билан ҳамкорликда мунтазам маданий алмашинувларни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбек-хитой халқ дипломатиясида ХХР ҳукумати ва жамоатчиликнинг турли доиралари қўллаб-қувватлайдиган Хитой хориж билан дўстлик жамияти, “Хитой-Марказий Осиё” дўстлик жамияти, “Хитой-Марказий Осиё ҳамкорлик форуми”, Хитой Халқ дипломатияси стратегиясини ўрганиш маркази ҳамда Бутун Хитой дўстликка қўмаклашиш ассоциацияси муҳим рол ўйнайди³³.

Иккинчи бобнинг *“Ўзбекистоннинг Корея Республикаси ва Япония билан дўстлик алоқаларида халқ дипломатиясининг аҳамияти”* деб

²⁷ Гофуров Н.О. Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси билан иқтисодий, илмий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги (1991-2001 йиллар). Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ЎЗМУ, 2011. – Б. 99.

²⁸ Рахимов М.А. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Ташкент, 2016. – С. 53.

²⁹ ЎЗРВМ ММХМДАҚ ЖА // Осиё ва Тинч океани мамлакатлари билан алоқалар бўлими “Хитой” жилдининг “Ўзбекистон-Хитой” дўстлик жамияти ҳақидаги маълумотлар базаси 12-13 varaқлар.

³⁰ Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги алоқалар тобора ривожланмоқда <https://darakchi.uz/oz/25491>

³¹ Xitoyning “psearcher” nashri xalqaro maqom san’ati anjumani haqida <http://uzbekistan-geneva.ch/html>

³² Хитойнинг Пекин шаҳрида ватандошларимиз томонидан Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти тарғиб этилди <https://uzbektourism.uz>.

³³ ЎЗРВМ ММХМДАҚ ЖА // Осиё ва Тинч океани мамлакатлари билан алоқалар бўлими “Хитой” жилдининг “Ўзбекистон-Хитой” дўстлик жамияти ҳақидаги маълумотлар базаси 14 varaқ.

номланган иккинчи параграфда Ўзбекистон ҳукуматининг ҳар иккала давлатларга расмий ташрифлари хронологик тарзда очиб берилган ва ҳамкорлик янги босқичга кўтарилиб, ривожланиб бораётганлиги кўрсатиб ўтилган³⁴.

Ўзбекистоннинг Корея Республикаси ва Япония билан юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган, кўп томонлама манфаатли алоқаларининг ривожланишида ҳамда халқ дипломатиясида “парламент дипломатияси”нинг ҳам аҳамияти катта. Бугунги кунда Корея Республикаси Миллий Ассамблеясида “Корея-Ўзбекистон” дўстлик уюшмаси ташкил этилган бўлса³⁵, Япония парламентида “Ўзбекистон билан дўстлик лигаси” фаолият олиб бормоқда³⁶.

Ўзбекистоннинг Узоқ Шарқдаги ушбу икки мамлакат билан дипломатик муносабатлари ўрнатилганлигидан кейин маданият соҳасида ҳам фаол алмашинувлар олиб борилмоқда. Маданий дастурлар, талабалар ва олимлар алмашинуви, турли ўқув дастурлари – булар Ўзбекистоннинг Жанубий Корея ва Япония билан халқ дипломатияси муносабатларининг асосий жиҳатларини ташкил этади³⁷.

Диссертацияда ташкил этилган ўзаро маданий тадбирлар, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг роли, халқларнинг тарихан шаклланган яқин дўстона алоқаларини янги аснодаги давоми эканлиги очиб берилган. Жумладан, 2015 йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Шарқ тароналари” X халқаро мусиқа фестивалида Япониянинг “Shamisen” гуруҳи биринчи ўринни, 2017 йилдаги “Шарқ тароналари” XI халқаро мусиқа фестивалида эса Жанубий Кореянинг “Геосонг халқ кўшиқларини сақлаш фонди” жамоаси биринчи ўринга муносиб деб топилди³⁸.

Тадқиқотда Ўзбекистон ва Япония халқ дипломатияси муносабатларида Совет даврида Ўзбекистонга сургун қилинган япон асирларининг ўзига хос ўрни борлиги аниқ далиллар асосида ёритиб берилган.

Мамлакатлар жамоатчилиги илм-фан, адабиёт, санъат, рассомчилик каби ўнлаб соҳаларда ҳам узоқ йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келади. Ўзбек ва корейс халқларининг маданияти, урф-одатларида муштарак жиҳатлар кўп. Бу уларнинг бадиий ижодида ҳам кўзга ташланади.

Хусусан, япон адабиётининг машҳур намояндаларидан бири Ясуси Иноуэдир. Унинг “Самарқандга саёҳат” тарихий асари, Ман Иноуэнинг “Тошкентда бир окшом” асарларида ўзбек ва япон халқлари маданияти, анъана ва турмуш тарзидаги муштараклик ҳақида ҳикоя қилинган³⁹.

³⁴ Туляков Э. Узбекско-японские отношения // <https://strategy.uz>.

³⁵ Рахимов М.А. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Ташкент, 2016. – С. 119.

³⁶ ЎЗРВМ ММХМДАҚ ЖА // “Япония” жилди. Ўзбекистон-Япония муносабатлари. Сиёсий ҳамкорлик. 5 варак.

³⁷ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. “Я” ҳарфи // – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. – Б. 86. www.ziyouz.com. кутубхонаси

³⁸ Sharq taronalari XI-xalqaro musiqa festivali yakunlandi, g'oliblar aniqlandi. <http://fayzbog.uz>.

³⁹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. “Я” ҳарфи // – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. – Б. 79. www.ziyouz.com. кутубхонаси

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги халқ дипломатиясида халқаро миқёсда танилган рассом, олим ва жамоат арбоби Икуо Хираяманинг хизмати катта. Икуо Хираяманинг жамоат ва хайрия фаолияти самаралари ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги мавжуд чегара ва масофаларни енгиб ўтишга имкон берди, унинг сермахсул фаолияти ўзига хос бағрикенглик ва халқ дипломатиясининг стандартига айланди.

Диссертацияда “Ўзбекистон-Корея” ва “Ўзбекистон-Япония” дўстлик жамиятлари, “Корея-Ўзбекистон” дўстлик жамияти, “Япония-Ўзбекистон” дўстлик жамияти, “Фукусима-Ўзбекистон” иқтисодий ва маданий алоқалар уюшмаси, “Фукуока-Ўзбекистон” жамияти каби 30 тага яқин халқаро халқ дипломатияси ташкилотларининг фаолияти ўзбек, корейс ва япон халқлари ўртасидаги халқ дипломатияси фаолиятини мустаҳкамлаш, дўстона алоқалар ҳамда маданиятлараро мулоқотнинг мувафаққиятли ривожланишига улкан ҳисса қўшиб келаётганлиги архив материаллар асосида ўрганилиб, илмий муомалага киритилди⁴⁰.

